

Иқтисодий фанларни ўқитишда илғор хорижий тажрибалар ва инновацияларнинг ўрни

Б.Б.Мардонов

Аннотация: В статье анализируются передовой зарубежный опыт использования инноваций при проведении занятий по экономическим дисциплинам, а также показаны некоторые пути использования инновационных методов на практических занятиях.

Инновациялар ҳар бир соҳада бўлгани каби таълим тизимида ҳам ўзининг афзалликларини намойиш қилмоқда. Инновациялар долзарб, муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бир тизимда шакллланган янгича ёндашувлардир. Инновациялар доимий равишда педагогик фаолиятга янгиликлар олиб кириш орқали таълим ривожига ҳисса қўшади, педагогик фаолиятга ижобий таъсир кўрсатади.

Ҳозирги замон шароитида, юқори малакали кадрларни тайёрлашда, ўқитишнинг замонавий шакллари ва илғор хорижий тажрибалар муҳим аҳамият касб этади. Янги педагогик технологиялар қўйилган мақсадларга эришиш кафолатини берувчи ўқув жараёнини режалаштиради ва амалга оширади. Дарҳақиқат, ўқув машғулоти муваффақиятли ўтишининг 80 фоизи таълим жараёнини тўғри лойиҳалаштириши, инновацион таълим шаклларида фойдаланишни ташкил этиш ва уни амалга оширишга боғлиқдир.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги барча олий ўқув юртлирида интерфаол таълимни ташкил этишда қуйидаги энг оммавий технологиялар қўлланилмоқда:

1. Интерфаол методлар: “Кейс-стади” (ёки “Ўқув кейслари”), “Блиц-сўров”, “Моделлаштириш”, “Ижодий иш”, “Муносабат”, “Режа”, “Сухбат” ва бошқалар.

2. Стратегиялар: “Ақлий хужум”, “Бумеранг”, “Галерея”, “Зиг-заг”, “Зинама-зина”, “Музёра”, “Ротация”, “Т-жадвал”, “Юмалоқланган қор” ва ҳакозо.

3. График органайзерлар: “Балиқ скелети”, “БББ”, “Концептуал жадвал”, “Венн диаграммаси”, “Инсерт”, “Кластер”, “Нима учун?”, “Қандай?” ва бошқалар.

Ушбу интерфаол таълим методлари барча фанларни ўқитишда ижобий натижаларни беради. Бироқ, гуманитар ва ижтимоий фанларни ўқитишда интерфаол таълим методларнинг айримларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Масалан, «Маънавият асослари», «Ўзбекистон тарихи» каби фанларни ўқитилиши, «Бизнесни бошқариш асослари» ёки хорижий тилларни ўқитилишидан кескин фарқ қилади. Шунинг учун ҳам ўқитувчи интерфаол таълим методлари, стратегиялари ва органайзерларни тўғри танлай билиши лозим.


Иқтисодий фанлар ва чет-тилларни ўқитишда хорижий тажрибалар, инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш катта самара беради. Чунки ушбу фанларнинг ўзига хос хусусиятлари, ўрганиш предметлари ва методлари бир-бирларидан катта фарқ қилади. Шунинг учун ҳам инновацион таълим шаклларида ҳамда хорижий тажрибалардан фойдаланиш зарур. Тадқиқотчилардан Х.И.Муратов бу борада шундай фикрларни билдирган: «Айни вақтда бутун дунёда кейинги ўн йил ичида университетларнинг билимлар тўплаш, фойдаланиш ва тарқатишдаги роли кучайиб бормоқда. Глобал тадқиқот университети модели анча кенг ёйилди, унинг доирасида университетлар нафақат янги билимларни яратишда, балки уларни тарқатишда ва инновацион фаолият орқали фойдаланишда ҳам фаоллашиб бормоқда»[1]. Шунингдек, ҳозирги кунда мутахассислар малакасига юқори талаблар қўйилапти.

Таъкидланяптики, ҳозирги раҳбар ҳам аъло мутахассис, ҳам ҳақиқий тадбиркор, ташкилотчи, айни пайтда ўз ҳақ-ҳуқуқини билган киши бўлмоғи даркор. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Либерал-демократик партиянинг VIII съездидаги маърузаларида куйидаги фикрни билдирган: «..... янги ва мустақил фикрлайдиган, масъулиятли, ташаббускор, илғор бошқарув усуллари пухта ўзлаштирган, ватанпарвар, ҳалол кадрларни танлаш ва тайёрлаш бўйича самарали тизим яратилмас экан, давлат бошқарувида сифат ўзгариши юз бермайди[2]. Шу сабабдан таълим тизимини ислоҳ қилиш ва бошқарув сиёсатини такомиллаштириш, бошқарувни малакали кадрлар билан таъминлаш энг муҳим устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, олий таълим тизимида мутахассисларни тайёрлашда чуқур ўзгаришларга ўз билим ва тажрибалари билан мослаша оладиган, жаҳон андозаларига жавоб бера оладиган замонавий кадрларни етказиб бериш масаласини муҳим қилиб қўяди. Иқтисодий фанлар бўлажак мутахассисларда ана шундай хусусиятларни қарор топтиришни кўзда тутади.

Бунинг учун таълимда замонавий ёндашувлар, замонавий таълим ва инновацион технологиялар, илғор хорижий тажрибалар муҳим аҳамият касб этади. Ушбу муҳим вазифани ҳал этишда илғор хорижий тажрибалар: модулли-кредит тизими, case study (кейс стади), масофали ўқитиш, маҳорат дарслари, вебинар, эвристик методлардан фойдаланиш катта самара беради. Ўқитишнинг инновацион шакллари талабаларнинг билим имкониятларини ва ижодий қобилиятларини ривожлантиради.

Инновацион таълим технологияси ҳар бир фан ўқитувчисини доимо ўз педагогик маҳоратини ошириб, уни санъат даражасига етказиб боришни талаб этади.

Иқтисодий фанларнинг маъруза машғулотида маълумотларни кўргазмали тақдим этишнинг қўйидаги инновацион таълим усуллари ва воситаларидан фойдаланиш мумкин:



1-расм. Замонавий таълим шакллари[3].

Blended learning - онлайн ўқув материаллари ҳамда ўқитувчи раҳбарлигида гуруҳда таълим олишга асосланган ўқитиш шакли.

Масофали таълим - масофада туриб ўқув ахборотларини алмашиш воситаларига асосланувчи махсус ахборот таълим муҳити ёрдамида таълим хизматлари тўпламидан иборат. Масофали таълим ахборот - таълим муҳити фойдаланувчилар таълим олиш эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган. Маълумотлар узатиш воситалари: ахборот ресурслари ўзаро алоқалар протоколлари, дастурли ва ташкилий-методик таъминотлар, системали ташкилий тўпламидан иборат.

Вебинар усулида- дарс, семинар ёки конференция интернет орқали бир вақтда ҳозир бўлган талабалар билан аудио-видео билан жонли олиб борилиб ушбу дарс кейинги фойдаланишлар учун ёзиб олинishi мумкин бўлса-да бутун ўқув ёки курс жараёнидаги дарслар ягона платформа доирасида ўзаро узвий боғланмайди, яъни алоҳида-алоҳида бир марталик дарслар бўлади дейиш мумкин.

Маҳорат дарслари – очик ташкил этилиб, илғор педагогик тажрибаларни тарғиб этишга йўналтирилган самарали ўқитиш шакли. Маҳорат дарсларини ташкил этишда кўп йиллик иш тажрибасига эга, шунингдек, самарали методика ёки технологияга эга инноватор педагогларнинг касбий малакалари очик тарзда, интерфаол мулоқот асосида ҳамкасб педагоглар ҳамда талабаларга намоиш этилади.

Муаммоли таълим - фаол ўқитиш методларидан бири бўлиб, ўзининг юксак кўрсаткичи билан бошқаларидан ажралиб туради. Муаммоли вазият ўз ичига қўйидаги муҳим томонларни қамраб олади:

Биринчиси, муаммо қўйилишини инсон тушуниб етиши, яъни топшириқ ифодаланишини англаши;

Иккинчиси, муаммони ҳал этишга ёрдам берувчи восита, усул, йўл, ақлий ҳаракатларни шахсинг ўзи излаб топиши ва уларни маълум тизимга солиши;

Учинчиси, инсон муаммони ҳал этиш учун сараланган усулларни аввалги усуллардан ажратиш, яъни уларнинг салбий томонларини олиб ташлаши;

Тўртинчиси, ўқувчи муаммо ечимининг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиши учун танқидий нуқтаи назардан текшириб чиқиш.

Эвристик методи ўқитувчилардан ижодий хусусият касб этувчи юқори даражадаги билиш фаолиятини ташкил эта олиш кўникма ва малакаларига эга бўлишни тақозо этади. Эвристик ўқитиш методини қўллашда ўқитувчи ўқувчилар билан ҳамкорликда ҳал этилиши зарур бўлган масалани аниқлаб олади. Ўқувчилар эса мустақил равишда таклиф этилган масалани тадқиқ этиш жараёнида зарурий билимларни ўзлаштириб оладилар ва унинг ечими бўйича бошқа вазиятлар билан таққослайди. Ўрнатилган масалани ечиш давомида ўқувчилар илмий билиш методларини ўзлаштириб тадқиқотчилик фаолиятини олиб бориш кўникмаси тажрибасини эгаллайдилар.

Иқтисодий фанлар амалиёт машғулотларини таълимнинг қуйидаги усуллари ва воситаларидан фойдаланишлари мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

Ақлий ҳужум - бу услубда қўйилган савол, муаммо, масала бутун гуруҳ билан биргаликда муҳокама қилинади. У талабаларни ўқув жараёнида машғулотларга фаол қатнашишларини таъминлаш ва баён қилиш чоғида бошқаларнинг ҳам фикрини жалб қилиш, ўз фикрларини айтишга йўналтирувчи методдир.

Баҳс - ўз фикрини ифода этишни хоҳловчилар орасида бирон бир мунозарали масалани муҳокама қилиш, ҳақиқатни аниқлаш ва тўғри қарорни қабул қилишдир.

Музокаралар – бу аниқ ташкил этилган икки томон фикрлари алмашинувидир.

Пинборд техникаси - муаммони ҳал этиш бўйича ғояларни тизимлаштириш ва гуруҳлаштириш ва ягона нуқтаи назарни ишлаб чиқиш имконини беради.

Делфи техникаси - муаммони ҳал этишнинг жамоали баҳолаш ва танлаш имконини беради.

6-6 техникаси - қўйилган муаммони ҳал этиш бўйича жамоа томонидан ифодаланган вариантлардан энг яхшиси баҳоланади ва танланади.

Модулли ўқитиш - фаннинг асосий масалалари бўйича умумлаштирилган маълумотлар берувчи муаммоли ва йўриқли маърузалар ўқилишини тақозо этади ва таълимнинг истиқболли тизимларидан биридир.

Кейс стади - талабаларни қарор қабул қилишга ўргатишда муаммоли вазият ҳосил қилиб, уни ечишни ўрганиш усулидир.

Ўқув жараёнларини инновацион технологиялардан фойдаланишда хориж тажриблари муҳим ўрин тутаяди. Олиб борилган тадқиқотларда аниқланишича хориж мамлакатларининг олий ўқув юртларида модулли кредит усули кенг жорий этилган бўлиб, ўқув машғулотларининг кўпи инновацион таълим шаклининг “Кейс стади” усулида ўтилади. Шу нуқтаи назаридан келиб чиқиб иқтисодий фанларнинг амалий машғулотларини

юқорида айтиб ўтилган усуллар ичидан “Кейс стади” ва “Модулли ўқитиш” усулларида фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Мамлакатимиздаги таълим соҳасида кейс-стади, асосан, мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида, айниқса бошқарув соҳасида қўлланилади. Кейинги йилларда олий ўқув юртларида ҳам ўқитувчиларнинг кейсларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга қизиқиши ошаётганлиги кузатиляпти.

Кейснинг афзаллиги шундаки, у дастлаб талабларга аудитория шароитларида бошқарувчилик ечимларини қабул қилишга доир малака ва кўникмаларни эгаллаш имконини беради. Келгусидаги касбий фаолият учун ўзининг бошқариш сиёсатини ишлаб чиқиш учун талабалар корхонада ва умуман иқтисодиётда вужудга келадиган турли хил вазиятларни таҳлил этиш малакалари ва кўникмаларини эгаллаши, таҳлил қила билиш қобилиятини ўстириши, бошқарувчига хос хусусиятларни орттиришда ёрдам беради.

Талабаларнинг кейсларни ишлаб чиқиш технологияларини ўзлаштириши, кейсда тақдим қилинадиган амалий муаммоли вазиятларни таҳлил этиш, якка тартибда ва жамоа бўлиб уларни оптимал ҳал қилиш йўллариини излаш малакаларини эгаллаши, бўлғуси мутахассисда функционал ваколатлиликни шакллантириш - касбий фаолиятда ўзининг бошқариш ва ташкил қилиш технологияларини лойиҳалаштириш, касбий жараён мантиғини куриш усуллари, шунингдек касбий вазифаларни мустақил ва мобил тарзда ҳал этиш усуллариини ҳосил қилишга ёрдам беради. Кейсда ҳар хил ҳаётий вазиятлар баёни берилади ва уларнинг оқибатлари хусусида мушоҳада юритиш ёки қатнашчилар ҳаракатларининг самарадорлигини баҳолаш ёхуд муаммони ҳал этиш усуллариини таклиф қилиш талаб этилади. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам амалий ҳаракат модели устида ишлаш таълим олувчилар – бўлғуси мутахассисларда меҳнат бозори талаб қиладиган касбий жиҳатдан муҳим хусусиятларни шакллантиришнинг самарали воситаси ҳисобланади.

Таълимнинг илғор хорижий тажрибаларидан яна бири модули ўқитишдир.

Модулли ўқитиш-ўқитишнинг истиқболли тизимларидан бири ҳисобланади, чунки у таълим олувчиларнинг билим имкониятларини ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш тизимига энг яхши мослашгандир.

Анъанавий таълимда ўқув мақсадлари педагог фаолияти орқали ифодаланган яъни билим беришга йўналтирилган бўлса, модулли ўқитишда таълим олувчилар фаолияти орқали ифодаланиб, касбий фаолиятга йўналтирилган бўлади. Модулли ўқитиш технологиясининг анъанавий ўқитишдан фарқли хусусиятларини қуйидаги жадвалда келтирамиз.

2 жадвал.

Модулли ўқитиш технологиясининг анъанавий ўқитиш технологиясидан фарқли жиҳатлари[4]

Анъанавий ўқитиш технологияси	Модулли ўқитиш технологияси
Бир томонга йўналтирилган	Фикрлаш ва амалий фаолият орқали

<p>ахборот. Бир томонлама мулоқот (дарслик→ўқитувчи→ўқувчи) Ахборот олиш Хотирада сақлаш Маъносини тушунмаган ҳолда механик тарзда ёдлаш.</p>	<p>таҳсил олишда фаол иштирок этишни рағбатлантириш. Икки томонлама мулоқот Таҳлил қилиш орқали маълумотни эслаб қолиш Билим ва кўникмаларни намоиш этиш Мазмунни тушуниш ва ҳаётга боғлаш.</p>
---	--

Модулли ўқитиш таълимнинг қуйидаги замонавий масалаларини ҳар томонлама ечиш имкониятини яратади:

- модуль – фаолиятлик асосида ўқитиш мазмунини оптималлаш ва тизимлаш дастурларни ўзгарувчанлиги, мослашувчанлигини таъминлайди;
- ўқитишни индивидуаллаштириш;
- амалий фаолиятга ўргатиш ва кузатиладиган характерларни баҳолаш даражасида ўқитиш самарадорлигини назорат қилиш;
- касбга қизиқтириш асосида фаоллаштириш мустақиллик ва ўқитиш имкониятларини тўла рўёбга чиқариш.

Иқтисодий фанларни модулли ўқитиш усулидан фойдаланиш учун аввало қуйидагилар таъминланган бўлиши лозим:

- таълим муассасасининг моддий-техник базаси;
- малакали профессор-ўқитувчилар таркиби даражаси;
- талабалар тайёргарлиги даражаси;
- кутиладиган натижалар баҳоси;
- дидактик материалларнинг ишлаб чиқилиши;
- модульлар натижаси ва таҳлили.

Модулли ўқитишда ўқув дастурларини тўла қисқартирилган ва чуқурлаштирилган табақалаш орқали босқичма-босқич ўқитиш имконияти яратилади. Яъни ўқитишни индивидуаллаштириш мумкин бўлади. Модулли ўқитишга ўтишда қуйидаги мақсадлар кўзланади:

- ўқитишнинг узлуксизлигини таъминлаш;
- ўқитишни индивидуаллаштириш;
- ўқув материални мустақил ўзлаштириш учун етарли шароит яратиш;
- ўқитишни жадаллаштириш;
- фанни самарали ўзлаштиришга эришиш.

Модулли ўқитиш фаннинг асосий масалалари бўйича умумлаштирилган маълумотлар берувчи муаммоли ва йўриқномали маърузалар ўқилишини тақозо этади. Маърузалар талабаларнинг ижодий қобилиятини ривожлантиришга қаратилмоғи лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Муратов Х.И. ТДИУ “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 5, сентябрь-октябрь, 2014 йил www.iqtisodiyot.uz

2. Ш.М.Мирзиёевнинг Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг VIII съездидаги маърузаси. 20.10.2016 йил.

3. Файзуллаева Д.М., Лутфуллаева Н. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик. Модули бўйича Ўқув услубий мажмуа. – Тошкент, 2016.

4. Олимов Қ.Т. “Замонавий таълим технологиялар бўйича илғор хорижий тажрибалар” модули бўйича ўқув услубий мажмуа. - Бухоро, 2015 йил.